2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 236 (236), 2020 йил 8 декабрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни улуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмаяпти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шукуҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга, албатта, юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳурматли юртдошлар!

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланмоқда.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Асосий қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишсиз қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйларнинг калити топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланмоқда.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳроқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати инсонпарварликнинг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади”, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** — миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **“бир суд — бир инстанция”** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда.

Афв институтини қўллаш борасидаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

Муҳтарам ватандошлар!

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий таклифлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Бу — биз олиб бораётган очиқ ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқаро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Ёлғон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуролли можаролар бўлаётган Яқин Шарқ минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаётган фуқароларимиз, асосан, аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.**

Ҳурматли дўстлар!

Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз кўзлаётган улуғвор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз. Бу борада ҳали **олдимизда улкан вазифалар** турибди.

Биринчидан, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни камайтириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

Иккинчидан, тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнгги икки йилда ноқонуний хатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки коррупция — бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши муросасиз кураш олиб бориш — барчамизнинг бурчимиздир.

Учинчидан, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. **“Қонун — устувор, жиноятга — жазо муқаррар”** деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

Тўртинчидан, муҳтарам нуронийларимиз, ҳурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Бешинчидан, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш — давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қиладилар, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция куни байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака асло тарк этмасин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Яратганнинг ўзи ҳаммамизни паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикасида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўриб келинмоқда. Натижада, кейинги уч йил ичида **47 минг гектардан ортиқ** ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар **11,2 минг гектарга** камайди, **140 минг гектардан ортиқ** майдоннинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлашга эришилди.

Шу билан биргаликда, Қорақалпоғистон Республикасида **44,9 минг гектар** суғориладиган ерларнинг сув таъминоти паст даражада, **95,2 минг гектар** суғориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги эса пастлигича қолмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишнинг автоматлашган назоратини йўлга қўйиш ҳамда илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш орқали сув йўқотишларини камайтириб, каналларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш ҳамда суғориладиган ер майдонларини сув билан ишончли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

Давоми 2-бетда

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жиноятлари учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 104 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 50 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 17 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

“Янги Ўзбекистон” минбари

“ЛАБДА ТАБАССУМУ КЎЗДА ЁШ БИЛАН...”

ёхуд келажакнинг кўзлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙИДНинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

— Президентимиз томонидан Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов, Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 80 йиллиги ҳамда Халқ артисти Ботир Зокировнинг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорларнинг имзоланиши — миллат истиқболи ва равнақини кўзлаб қабул қилинган тарихий воқеа бўлди. Она Ватанимизда давлат миқёсида адабиёт ва санъат, маърифат ва маънавиятга олий рутбада кўрсатилаётган бундай юксак эътибор нафақат ижод аҳли, балки ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ҳалол ва фидойилик билан меҳнат қилаётган халқимизнинг турли касб-кордаги вакилларидан тортиб, оддий адабиёт ва санъат ихлосмандларигача — барчани бирдай мамнун этди. Бу умуммиллий қувончга айланган завқ ва ҳаяжонларнинг боиси нимада деб ўйлайсиз?

— Биз тарихий ўзгаришлар ва эврилишлар замонида яшамоқдамиз. Айни пайтда кўз олдимизда кечаётган янгиланиш ва ислоҳотлар ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ — бу қанчаданқанча заҳмату меҳнатлар, қанчадан-қанча эзгу орзу-ниятларнинг саодатли рўёби, чинакам бунёдкорлик намунаси! Жамиятдаги маънавий ва ижтимоий онг ҳамда тафаккурнинг замон шиддатларига мос тарзда янгиланаётгани элдошларимиз қалбида, юрагида кенг кўламда акс-садо бермоқда. Бугунги кун тили билан айтганда, инсон қадрига эътибор ҳар қачонгидан кучаймоқда, том маънода инсоннинг онг ва тафаккури ўзгармоқда.

Одатда буюк шахслар ҳақида гап кетганда, буюк бунёдкорлар, йўлбошчилар ва ҳатто халқнинг тарих ва тақдирида, келажагини яратишда нақадар муҳим аҳамият касб этганини уларнинг мана шу буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик қудратида кўрамиз. Шу маънода миллий Уйғониш замони, янги Учинчи Ренессанс ғоясининг айнан Президентимиз томонидан янги Ўзбекистонимизда янгича шиддат ва ишонч билан бошлангани, кўз ўнгимизда улуғвор ва муаззам ўзгаришларнинг рўёбга чиқаётгани ақлу шууримизни қамаштириб, хаёл ва тасаввур оламимизни бойитиб юборади.

Давоми 6-бетда

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ушбу рақобатда муносиб иштирок этиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш учун, аввало, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги фаолиятимиз самарасини оширишимиз, барча соҳа ва тармоқлар учун инновацион ишланма ва лойиҳаларни тайёрлаб, вақтида амалиётга жорий этишимиз зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 8 декабрь, 236-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

1. Қуйидагилар:

2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ирригация тизимларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида **сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш**нинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги **сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувни ҳисобга олиш ва мониторинг юритишда рақамли технологияларни жорий қилиш** прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **насос станцияларида электр энергиясидан фойдаланишни рақамли технологиялар ёрдамида "онлайн" режимида назорат қилишни жорий этиш** прогноз кўрсаткичлари 6-иловага мувофиқ;

2021–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси **насос станциялари ва ирригация тизимлари каналларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий секторга бериш** прогноз кўрсаткичлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳокимларига мазкур қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича **шахсий жавобгарлик юклансин.**

2. Мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган лойиҳалар, шунингдек, 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичлар доирасида бажариладиган лойиҳалар:

ҳар бир лойиҳанинг натижадорлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳаларда белгиланган қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича тайёрланган тегишли лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилади;

ҳар бир лойиҳанинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва туманлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ҳамда мустақил экспертларни жалб этган ҳолда **муҳокама қилинади ҳамда уларнинг ижобий хулосаси асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.**

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж.Ортиқов), Молия вазирлиги (О.З.Насриддинходжаев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев):

мазкур қарорнинг 1-иловасида амалга оширилиши белгиланган ирригация ва мелиорация лойиҳаларининг асосий кўрсаткичларини аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда 2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш **дастурини шакллантириш жараёнида уларни инобатга олсин;**

мазкур қарорнинг 4–6-иловалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар учун 2021–2023 йил **Давлат бюджети параметрларида маблағлар кўзда тутилишини таъминласин.**

4. Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-иловасида назарда тутилган лойиҳалар доирасидаги маблағларнинг **мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин** ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири А.Н.Ариповга ахборот киритиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 2-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши учун **талаб этиладиган маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиб борсин;**

мазкур қарорнинг 3-иловасида белгиланган прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишида сув истеъмолчилари уюшмалари, кластерлар ҳамда фермер хўжаликларига кўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев) ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатлар, шунингдек, 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар доирасида объектларнинг **лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, бош пудрат ташкилотларининг тендер (танлов) савдолари асосида аниқланиши ҳамда қурилиш ишларининг амалга оширилишини ташкил қилсин ва назоратга олсин;**

объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, тендер (танлов)ларни ўтказиш жараёнида шаффофликни таъминлаш ҳисобига **объектларнинг қийматини мақбуллаштириш чораларини кўрсин;**

лойиҳаларни амалга ошириш доирасида зарур асбоб-ускуна, хомашё, бутловчи буюмлар ҳамда сифатли қурилиш материалларининг **маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинишини таъминласин** (мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун);

энергия тежамкор технологияларни қўллаш ҳамда объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларига **маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.**

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров) мазкур қарорга асосан ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилиши ва қурилиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилишида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат қурилиш назоратини амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ғ.А.Холжигитов) Сув хўжалиги вазирлиги (В.М.Аҳмаджонов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги (М.С.Содиқов) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ж.У.Узақов) билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 7-иловасига мувофиқ хусусий секторга ўтказиладиган сув хўжалиги объектларининг аниқ рўйхатини тузсин ҳамда давлат-хусусий шериклик шартларини аниқлаб, шартнома намунасини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниевга, зарур ҳолларда, тасдиқланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ва тиклаш ишлари лойиҳаларининг манзилли рўйхатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р.Сариев) мазкур қарорда назарда тутилган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича **устувор лойиҳаларни танлаш ва амалга оширишда:**

устувор лойиҳалар бўйича таклифлар сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, геология, ер тузиш ва лойиҳа ташкилотлари мутахассислари ҳамда мустақил экспертлар, шунингдек, манфаатдор фермер ва кластерлар иштирокида **жойига чиқиб, ҳар бир ҳудуднинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда шакллантирилишини;

устувор лойиҳалар **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари томонидан муҳокама қилиниб,** маъқуллангандан сўнг белгиланган тартибда амалга оширилишини;

ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати тегишли **халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан назорат қилиб борилишини** таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги "Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ – 4801-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган **Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини илмий-техник жиҳатдан таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи** (Ў.П.Умурзаков)га:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатда назарда тутилган **лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ишларни илмий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш;**

ҳар бир лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, **ресурс тежамкор ва ахборот технологиялари қўлланилиши бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;**

сув хўжалиги соҳасига илм-фан ютуқларини, сувни тежовчи технологиялар ва илғор тажрибаларни, сув хўжалиги ва сувдан фойдаланиш тизимини бошқаришнинг **инновацион усулларини жорий қилиш бўйича илмий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;**

илмий-техника ютуқларини чоп этиш ҳамда оммавий-ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, семинарлар, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

Ушбу вазифаларни бажаришда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган тегишли олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари жалб қилиниши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) **икки ой муддатда** Инновацион ривожланиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси табиий-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда қулай мелиоратив режимни таъминловчи сув ва ресурс тежамкор технологияларни жорий қилишга оид илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун таклифларни киритсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) уч кун муддатда мазкур қарорни самарали ижро этишга доир масалаларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашларида муҳокама қилишга киритилишини таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 декабрь

Интервью

Афв этилганларда эртанги кунга ишонч уйғонди

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги арафасида мамлакатимиз раҳбарининг "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, жазо муддатини ўтаётган 104 нафар фуқаро афв этилди.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси:

— Илгари жазо муддатини ўтаганларга нисбатан "судланган" деган тамға босилган. Эндиликда эса уларнинг қилмишига астойдил пушаймон бўлганлари ҳамда тузалиш йўлига ўтганлари давлатимиз раҳбари томонидан афв этилмоқда. "Судланган" ва "афв этилган" деган тушунчалар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Афв этилганларга нисбатан тамға ёки салбий муносабатга ўрин қолдирилмайди. Шу боис, бундай фуқаролар давлат ташкилотида хизмат қиладими ёки ўзининг хусусий тадбиркорлигини ташкил этадими — қонунчилигимизда уларга ҳеч қандай тақиқ ёки тўсиқ қўйиш назарда тутилмаган. Уларнинг корхонасини рўйхатга олиш жараёнида ҳам муаммоларга йўл қўйилмайди. Мазкур шахслар тўлақонли равишда фуқаро сифатида жамиятга қабул қилинади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:

— Фармон асосида қўлланилаётган афв ҳаётимизда жуда катта ўзгариш бўлади. Унга кўра, жами 63 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётгани муҳим воқеа. Бу билан 63 нафар маҳкум жамиятимизга қайтариляпти. Бу эзгуликдан ҳар бир фуқаронинг ортида турган оиласи, ота-онаси, фарзандлари, қавм-қариндоши, қўни-қўшнилари, улар истиқомат қиладиган маҳаллалардаги юзлаб одамлар баҳраманд бўляпти. Яъни, ҳар бир оилада хурсандчилик, эртанги ҳаётга бўлган ишонч ортиб, хонадонларга барака киради.

Афв этилган фуқароларимиз, албатта, Президентимиз томонидан билдирилган жуда катта ишонч, берилган имкониятдан фойдаланиб, жамиятда ўз ўрнини топишига, қолаверса, бугунги бўлаётган ислоҳотларимизнинг фаол қатнашчисига айланишига ишонаман.

Мамадулло АБДУРАЙИМ ўғли:

— Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз миннатдорлигимни билдираман. Афв этилганим ҳақида айтишганида жуда хурсанд бўлдим. Чунки 4 йил давомида на ота-онам, на жигарларим, на қавм-қариндошларимни кўра олдим. Уларнинг дийдори аслида энг бебаҳо неъмат экан. Ҳали ёшман, яқинларимнинг корига ярайдиган рисоладагидек инсон бўлишга аҳд қилдим. Афв этилишим менга берилган жуда катта имконият. Тўрт йил ичида бу имконнинг қадрига етиш кераклигини ўргандим.

Моҳигул НУРАЛИЕВА:

— Қилган ишларимдан пушаймонлик ҳисси бир лаҳза бўлса ҳам тарк этгани йўқ. Мен нафақат ўзим, балки ота-онам ва маҳалла-қўйнинг ҳам юзини ерга қаратдим. Ота-онамни соғиндим. Уларнинг қаддини кўтариб, хизматига шай туриш ўрнига бошини эгиб юришига сабабчи бўлдим. Бу йўлга бир кирдим, кўрдим, қайта хато қилишни истамайман. Аёл шаънига мос бўлмаган йўлни танлаган эканман, бироқ мени бу йўлдан қайтардилар, қутқариб қолдилар. Бунинг устига муддатидан аввал озод қилдилар. Бу учун Президентимга раҳмат, дейман. Эндиликда жиноят кўчасига кираётган ёки нотўғри қадам босаётганларни кўрсам, уларни бу йўлдан қайтараман. Токи ҳеч ким мен ва бошқа адашганлар каби уялиб қолмасин.

Менга билдирилган ишончни, албатта, оқлайман. Озодликнинг қадрига етиб, ота-онам ва халқим хизматига камарбаста инсон бўламан.

Муносабат

ҲИСОБОТ УЧУН ЭМАС, НАТИЖА УЧУН ИШЛАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Кейинги тўрт йилда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори илм-фан ривожида ҳам янги давр бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу соҳага доимий эътибори туфайли олимлар, илмий тадқиқотчиларнинг меҳнати муносиб қадр топмоқда.

Фанлар академияси, илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Шу даврда 24 та илмий ташкилот ва 4 та инновацион технопарк фаолияти йўлга қўйилгани, давлатимиз раҳбари академиклар, илм-фан намояндалари билан бир неча бор учрашиб, соҳа олдида турган долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилгани ҳамда уларни ҳал этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб бергани, олимларнинг иш ҳақи уч баробар оширилгани, илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини янгилаш учун катта миқдорда маблағлар йўналтирилгани бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва миқёсини кўрсатиб турибди.

Куни кеча Президентимиз раислигида илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифаларни муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши бу соҳадаги ишлар изчил давом эттирилаётганидан далолат беради.

Мажлисда яратилаётган зарур шароит ва имкониятларга қарамасдан, илм-фан соҳасидаги изланишларда амалий натижадорликни ошириш бўйича ўзгаришлар кўзга ташланмаётгани ҳақли равишда танқид қилиб ўтилди. Мамлакатимиздаги юздан зиёд илмий ташкилот фаолиятида олиб борилаётган изланишларда ўзгаришлар сезилмаётгани, 24 та муассаса ўтган йили халқаро миқёсда тан олинган журналларда биронта ҳам илмий мақола чоп эттирмагани соҳада, айниқса, олимларимиз, илмий тадқиқотчиларимиз онгида янгиланиш жараёнлари жуда секин кечаётганини кўрсатади.

Йиғилишда таъкидланганидек, Инновацион ривожланиш вазирлиги илмдан — ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғлаб турадиган яхлит тизим ва муҳитни ҳануз яратмагани соҳадаги ишлар натижадорлигига салбий таъсир этмоқда.

Президентимиз томонидан олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотларнинг самарадорлик даражаси ўта пастлиги ҳам тўғри танқид қилинди.

Менинг кўп йиллик фаолиятим бевосита олий таълим тизими билан боғлиқ экани учун бундай камчиликни амалда доим ҳис қилиб келаман. Бундай қолоқликнинг сабаби шундаки, илмий тадқиқот жараёнлари ҳаёт талабларидан узоқ бўлиб қолмоқда. Амалга оширилаётган илмий ишларнинг миллий тараққиётимиз, хусусан, ишлаб чиқариш соҳалари учун янги ва долзарб экани, эртага қандай самара бериши ҳақида ўйлаш, жон куйдириш бу борада ҳали ҳам етакчи ўринга чиқмаяпти. Ҳолбуки, ҳаётга теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир соҳа ва тармоқда ўзининг илмий ечимини кутиб турган, инновацион ёндашувларни тақозо этадиган муаммолар етарлича топилади.

Илм-фан ва инновациялар соҳасининг асосий вазифаси уларни вақтида ўзининг ўрганиш предмети, тадқиқот объектига айлантириб, улар бўйича қулай ва самарали ечим берадиган илмий ишланмалар, аниқ лойиҳаларни таклиф этишдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун илм-фан ва инновациялар соҳаси, бу йўналишда фаолият кўрсатаётган олимлар, илмий тадқиқотчилар ҳаётдан, ўзгаришлар жараёнидан камида бир қадам олдинда юриши керак. Лекин, афсуски, биз ҳали бундай фаолиятга тўлиқ тайёр эмаслигимиз кўпгина ҳолатларда яққол сезилиб қолмоқда.

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, илмий институтларга буюртмаларни шакллантириш бўйича долзарб йўналишлар кўрсатилиб, уларнинг ҳар бирида қандай вазифаларни илмий ва инновацион ёндашув асосида ҳал қилиш зарурлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилди. Масалан, мажлисда алоҳида эътибор қаратилган қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш масаласини олиб кўрайлик.

Маълумки, мамлакатимизда бу борада илгари катта илмий мактаб шаклланган эди. Пахта, мева-сабзавот, узумнинг янги-янги навларини яратган олимлар, академикларнинг номларини халқимиз яхши билади. Афсуски, кейинги 15-20 йилда эътиборсизлик, етарли шароит йўқлиги туфайли ана шу илмий мактабларнинг анъаналари секин-секин йўқолиб кетди. Эндиги вазифа — ана шу мактабларни тиклаб, уларни бугунги давр талаблари асосида ривожлантириш ва янги анъаналар билан бойитишдан иборат. Айниқса, дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги энг муҳим ва долзарб масалага айланаётган ҳозирги вақтда бу ғоят катта аҳамиятга эга.

Ёки мажлисда жиддий эътибор қаратилган яна бир масала — сув хўжалиги соҳасидаги муаммоларни илмий ечимлар орқали ҳал қилиш масаласини олайлик. Биз яшаётган минтақада, умуман, дунё миқёсида сув масаласи тобора долзарб бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиши, халқимизнинг обод ва фаровон ҳаёти кўп жиҳатдан ана шу йўналишларда инновацион ва оқилона ечимларни топиш билан боғлиқ.

Президентимиз, шунингдек, кимё саноати ва нефть-газ тармоқлари, ёқилғи-энергетика, қазилма бойликлар, фармацевтика саноати тараққиётида замонавий илмий тадқиқотларни кучайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. **"Бир нарсани билишимиз керак: илмсиз, инновациясиз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эриша олмаймиз. Ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш керак",** деб уқтириб ўтди давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ушбу рақобатда муносиб иштирок этиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш учун, аввало, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги фаолиятимиз самарасини оширишимиз, барча соҳа ва тармоқлар учун инновацион ишланма ва лойиҳаларни тайёрлаб, вақтида амалиётга жорий этишимиз зарур. Айниқса, илм-фан ва инновациялар соҳасида ўз билим ва истеъдоди билан янги уфқлар очиш, кашфиётлар қилишга қодир ёш олимлар, ихтирочи ва рационализаторлар, инновацион ғоялар муаллифларини, уларни самарали амалга ошира оладиган муҳандис ва менежерларни вояга етказишимиз лозим.

Ҳозирги кунда биз Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида таълим жараёнларини, илмий изланиш ва тадқиқотларни айни шу талаблар асосида ташкил этмоқдамиз. Президентимизнинг мазкур йиғилишда олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни чуқур ўрганиб ва улардан тегишли хулосалар чиқариб, бу борадаги фаолиятимизни, албатта, қайтадан кўриб чиқамиз ва уни янада самарали ташкил этамиз.

Ишбилармон аёллар

ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ УЛУШИ ОРТМОҚДА

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аёл — она, аёл — вафоли ёр, аёл — оиласи ва фарзандлари учун жонини фидо қилишга тайёр буюк сиймо... Бугун ана шу нозик хилқат вакилларига берилаётган таърифлар сирасига илғор, ишбилармон, ташаббускор каби сифатларнинг ҳам қўшилаётгани бежиз эмас. Боиси, пойтахтимиздан тортиб, энг чекка қишлоқларгача бу номга ҳақиқатан муносиб, юрт тараққиёти, иқтисодиётнинг таянч устунларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, масъулиятни дадиллик билан ўз зиммасига олаётган хотин-қизлар сафи кун сайин ортиб боряпти.

Албатта, эришилаётган муваффақиятлар, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, хотин-қизларнинг ишбилармонликка оид касбий маҳорат ва билим даражасини ошириш, мустақил иш бошлашлари учун моддий ва маънавий шарт-шароит яратиб бериш каби имкониятлар ётгани сир эмас. Жорий йилнинг 24 ноябрь куни Президентимиз ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳамда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида аёллар тадбиркорлигига алоҳида урғу берди. Халқ банкига хотин-қизлар тадбиркорлиги учун лойиҳалар тайёрлаб, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишни ўргатиш топшириғи берилди. Бунда банк ходимлари аёллар билан бевосита мижозбай, маҳаллабай, туманбай тарзида иш олиб боради.

Тадбиркорлик четдан кўринганидек осон фаолият тури эмас. Унинг юкини кичик жуссасига орқалаган, ҳам оила, ҳам бизнес ишини бирдек олиб бориш машаққатини тотган, бир неча кишиларни меҳнатга жалб қилиб, уларнинг оилаларини моддий таъминлаш масъулиятини елкасига олган хотин-қизлар буни яхши билади. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида шу йилнинг ноябрь ойида ўтказилган “Ишбилармон аёл — 2020” кўрик-танлови каби тадбирлар ана шундай фидойи, тадбиркор аёлларни нафақат қўллаб-қувватлаш, кези келганда, рағбатлантиришни таъминламоқда. 2016 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловнинг бу йилги саралаш босқичларида 2 минг нафардан зиёд тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёллар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этди. Ғолибликни қўлга киритиб, муносиб тақдирланган аёллар бугун ўз меҳнати, шижоат ва ташаббускорлиги билан ҳудудларда намуна бўляпти.

25 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА МАҲСУЛИ

Мукофотланганлар орасида узоқ йиллик иш тажрибасига эга, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган катта бир корхонани бошқариб келаётган тадбиркор, “Orchid-Beauty” МЧЖ раҳбари Саидбиби Ҳасанова ҳам бор. Сурхондарё вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири — Узун туманида туғилиб ўсган қаҳрамонимизнинг болалиги қишлоқдаги пахта, дала майдонларида ўтган. Аммо доим тикишга ҳаваси баланд бўлган кичик Саидбиби бир кун келиб Тошкентдаги йирик тикувчилик фабрикаларига ўхшаш корхона очишни ҳам орзу, ҳам мақсад қилади. Муҳандислик соҳасида таҳсил олса-да, қалбидаги оташ уни тикувчи бўлишга ундайверади. Ниҳоят 1994 йилда Тошкенти азимга келади.

Тезроқ тўқимачилик фабрикаси очишни ҳар қанча истамасин, бу унинг ўзи ўйлаганчалик осон эмаслигини тушуниб етади. Асосий мақсадига етиш учун унга томон элтадиган бошқа иш — косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Орадан ўн йил ўтиб Саидбибининг орзуси рўёбга чиқди. 2014 йилда “Orchid-Beauty” тўқимачилик фабрикасига асос солди.

Бугун мазкур корхонада 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун турли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Хомашёнинг асосий қисми маҳаллий матолар бўлиб, тайёр маҳсулотларнинг 90 фоизи Россия, Италия, Тожикистон ва бошқа давлатларга экспорт қилиняпти.

Айни пайтда корхонанинг Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида филиаллари мавжуд. Сирдарёдаги филиал тошқиндан талафот кўрган Мирзаобод туманида очилган бўлиб, ўтган ойда ишга тушган тикув цехида айни пайтда 150 киши меҳнат қилмоқда. Яна 700 хотин-қиз 2 сменада ўқитилиб, иш жараёнларига тайёрланяпти.

— Шу йилнинг май ойида Сардобада содир бўлган тошқиндан бутун халқимиз ғамга чўмди, десам муболаға бўлмайди, — дейди Саидбиби Ҳасанова. — Айниқса, ҳудуд атрофидаги кўплаб қишлоқлар бундан бевосита азият чеккани ҳамон кўз олдимизда. Аммо давлатимиз раҳбари сардобаликларга асло тушкунликка тушмасликларини айтиб, “Вайрон бўлган уйларни қисқа вақтда қайта қуриб берамиз”, деб ваъда берган эди. Ҳақиқатан, атиги 5 ой ичида вилоятнинг Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларида 5 қаватли замонавий уйлар қурилиб, ҳудуд шаҳар тарзида қайта барпо этилди. Эндиги вазифа аҳолини иш билан таъминлаш эди. Мирзаобод тумани ҳокимлиги бу борада менга ишонч билдириб, “Туронбанк” “Минг кишилик иш ўрни яратинг, бунинг учун сизга имтиёзли кредит ажратамиз”, деган таклиф билан чиқди. Мен бунга бажонидил рози бўлдим ва ишлар жадаллик билан бошланиб кетди. Тикув цехи 2 ойда қуриб битказилди. Ҳозир корхонанинг барча филиалларида жами 500 дан ортиқ кишининг доимий бандлиги таъминланган. Уларнинг 90 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

6,5 гектар ҳудудга эга мазкур цехнинг иккинчи қисмида мато ишлаб чиқариш корхонаси қуриляпти. 2021 йилнинг бошида ишга тушиши режалаштирилаётган цех учун Туркиядан энг замонавий технологиялар, автоматлашган тўқув дастгоҳлари, бўяш ускуналарини олиб келиш бошланган. Унинг фаолия-

тини йўлга қўйиш орқали тадбиркор нафақат ўзи, балки ҳудуддаги бошқа тикув цехларини арзон ва сифатли хомашё билан таъминлайди.

Машаққатли меҳнати ва яқинларининг қўллаб-қувватлаши билан ана шундай ютуқларга эришиб келаётган Саидбиби опанинг муваффақиятлари замирида қўл остидаги ишчилари, жамоасининг ҳам хизмати катталигини таъкидлайди. У корхона филиалларида меҳнат қилаётган юзлаб хотин-қизларни ўз опа-сингилларидек кўради. Уларнинг ҳаққига асло хиёнат қилмайди, аксинча, рағбатлантиришга уринади. Ана шу ҳалоллик, эзгулик сабабми, корхона фаолияти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Маҳсулот экспортидан бир йилда тушаётган 2-2,5 миллион доллар даромад эса мамлакат иқтисодиёти ривожига хизмат қиляпти.

ЯНГИ ТАЖРИБА ЯХШИ ҲОСИЛ БЕРДИ

Танловнинг яна бир ғолибаси, Наманган вилоятидаги “Муродбахш Диёр” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Тупаниса Раимжонова ҳам болалагидан ер билан тиллашиб, унга меҳр бериб келаётган инсонлардан. Асли деҳқонлар оиласида вояга етган Тупаниса опа 37 йил педагогика соҳасида меҳнат қилган. Мактаб, мактабгача таълим муассасаларида болаларга дарс бериш билан бирга терак қаламчаларини боғча атрофидаги бўш жойларда етиштирган. Ўша вақтларда бундан яхшигина даромад олинганини ҳам хотирлайди.

— Бу жуда осон ва завқли иш, — дейди Тупаниса Раимжонова. — Ҳозир ҳам аёлларимиз “иш йўқ, кам таъминланганман”, деб бекор ўтирмасдан, шундай ишларни йўлга қўйса бўлади. Қаламчалар бир йилда кўчат бўлади. Уларни сотиб, яхшигина даромад олиш мумкин.

Чиндан ҳам қаҳрамонимиз бирор ишнинг бошини тутмасдан, бошқалардан норози бўладиган инсонларни у қадар хушламас экан. Ўз умрини меҳнатда ўтказаётган аёл 17 гектар ер олиб, фермерлик фаолиятини бошлаганида пенсия ёшида эди. Мана, салкам 20 йилдирки, ўзи ташкил қилган “Муродбахш Диёр” фермер хўжалигини ғайрат билан бошқариб келмоқда. Опанинг шижоатига кўплар ҳавас қилишининг сабаби ҳам шундан.

Ҳозир 70 гектар ер майдонидан иборат кўп тармоқли хўжаликнинг 7 гектари боғ, қолгани ғалла, пахта майдонлари, иссиқхона ҳам бор. Боғда асосан олма, гилос, шафтоли мевалари, бодом етиштирилиб, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинади. Жами маҳсулотлар экспорти ҳажми ўтган йили 700 миллион сўмни ташкил қилди. Шунингдек, хўжалик тармоғида чорвачилик, асаларичилик ҳам йўлга қўйилган. 30 та доимий, 70 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратилган.

Ҳамиша янгиликка интилиб яшайдиган фермер бу йил буғдойдан кейин такрорий экин сифатида 10 гектар майдонга мош, 10 гектарга маккажўхори, 3 гектарга соя экди. Соя биринчи йили экилгани боис, тажриба у қадар катта бўлмаган бўлса-да, кичкина жойдан 5 тонна ҳосил олишга эришди.

Фермер хўжалигининг 10 гектарга яқин пахта даласига томчилатиб суғориш технологиясининг жорий қилиниши ҳам янгилик бўлди. Республикада кенг оммалашаётган ушбу усулни қўллаш орқали хўжалик аввалгиларга нисбатан кўпроқ ҳосил олди. Келгусида иссиқхонани ҳам кенгайтириб, цитрус мевалар, хусусан, мандарин, апельсин, киви етиштириш ҳажмини оширишни мақсад қилган.

МИРЗАОБОДДА 300 ЎРИНЛИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Кенг кўламда ўтказилган танловда “Замонавий ташаббускор аёл”, “Йиллнинг мурувватли ишбилармон аёли”, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

“Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” номинацияси ғолибаси, сирдарёлик Мубинабону Пўлатова эндигина 21 ёшни қарши олганига қарамай, “Финиба Тех” МЧЖга раҳбарлик қилиб келмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини 18 ёшида бошлаган Мубинабону мебель ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

— Кичик бизнес фаолиятини бошлаш истагим ҳақида айтганимда, оила аъзоларим бу ташаббусимни қўллаб-қувватлади, — дейди у. — Ишни 30-40 кишилик кичик тикув цехи очишдан бошладим. Унда, асосан, махсус соҳалар вакиллари учун буюртма асосида формалар тикамиз. Катта фирмалардан андозалар олинган бўлиб, ҳозир бизда махсус кийимларнинг 25 турдан ортиқ кўринишлари мавжуд. Карантин вақтида ҳам тикувчилар тиним билмай ишлади. Сингапурдан тушган буюртма асосида қурувчи ташкилот учун 1 200 та форма тикдик. Цехда бир ойда ўртача мингдан зиёд махсус кийим тикилади. Ундан келган даромад ҳисобидан ҳар хил турдаги мебеллар ишлаб чиқарамиз.

Сирдарёнинг талафот кўрган Мирзаобод туманида истиқомат қиладиган ҳамюртимиз танловда ҳудуд аёллари номидан қатнашганини таъкидлайди. Унинг асосий мақсади тумандаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга кўмак беришдан иборат. Бу борада ўз олдига катта вазифаларни қўйган қаҳрамонимиз бир ой муқаддам ҳудудда трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширди. Ёш тадбиркорни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳокимлик томонидан корхона учун икки йиллик имтиёзли давр билан лизинг асосида бино берилиб, цех ўз ишини бошлаб олиши учун “Асакабанк” Сирдарё филиали томонидан 800 миллион сўм банк кредити ажратилди. 300 ўринли иш жойига эга мазкур цехда ҳозир 100 дан ортиқ хотин-қиз иш билан банд. Корхона тўлиқ қувватда ишга тушгач, ҳудуддаги яна юзлаб аёллар учун бўш иш ўринлари яратилади.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари ривожи учун янги имкониятлар эшиги очилмоқда

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ) Ҳиндистоннинг етакчи тадқиқот марказларидан бири — Вивекананда Халқаро жамғармаси (VIF) ва Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида онлайн-конференция ўтказди.

Онлайн-мулоқот давомида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, шунингдек, икки мамлакатнинг Марказий Осиёда кузатилаётган ижобий ўзгаришлардаги роли хусусида атрофлича фикр алмашилди. Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш, Афғонистондаги тинчлик жараёнини ривожлантириш ва турли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш йўллари муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлил маркази раҳбарлари ва таҳлилчилари ҳамда Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси, Ҳиндистоннинг турли мамлакатлардаги собиқ элчилари, Вивекананда фонди ва бошқа етакчи илмий-тадқиқот марказлари раҳбарияти ва таҳлилчилар қатнашди. Вебинарни, шунингдек, онлайн платформа орқали 50 нафардан зиёд мутахассис кузатиб борди.

Анжуман иштирокчиларига мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, минтақавий ташқи сиёсат, Ўзбекистон — Ҳиндистон алоқаларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида маълумот берилди.

Икки мамлакат таҳлилий марказлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўзаро фикр алмашилиб, қўшма тадбирлар режалари белгилаб олинди.

Вивекананда фонди директори Арвинд Гупта ўз сўзида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнига ижобий баҳо берди.

— Ўзбекистоннинг фаол ва прагматик ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиё минтақасидаги муҳит тубдан ўзгарди, мамлакатнинг халқаро ҳамкорлари билан амалий алоқалари кўлами бир неча баравар кенгайди, — деди А. Гупта. — Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил Ҳиндистонга амалга оширган давлат ташрифи ўзбек-ҳинд муносабатлари ривожи учун янги имкониятлар эшигини очди.

Ҳозирги пандемия шароитида коронавирусга қарши курашиш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бутун дунё мамлакатларининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ҳақидаги ташаббуси ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин. Бу борада аниқ йўналишларни экспертлар даражасида белгилаб олиш ва хукуматларга тегишли таклифлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат ўз маърузасида Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига тўхталиб, иштирокчилар эътиборини икки асосий жиҳатга қаратди.

— Биринчидан, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати ва Ҳиндистоннинг Марказий Осиё йўналишидаги қарашлари ўзаро ҳамоҳанг, — деди М.Прабхат. — Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё йўналиши муҳим ўрин тутади. Икки давлат раҳбарлари даражасида ўзаро изчил мулоқот йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этиш керак.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўта қисқа муддатда Марказий Осиёда янги ҳамкорлик муҳити яратилди ва минтақа тараққиётининг янги босқичига ўтилди. Ўзбекистон янги минтақавий ташқи сиёсати ва Деҳлининг Марказий Осиё мамлакатлари билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик сиёсати ўзаро бир-бирини тўлдириб туради. Бунинг амалий натижаси сифатида икки мамлакат ташаббуси билан ҳамкорликнинг янги формати — ташқи ишлар вазирлари даражасидаги “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқоти ташкил этилди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли, самарали ислоҳотлар натижасида бугунги кунга келиб, барча соҳаларда ижобий муҳит шаклланмоқда. Бу

борада турли йўналишларда етакчи хорижий мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, илғор тажрибаларни жорий қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, Ҳиндистондаги АКТ соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш, ўзбекистонлик турли соҳа мутахассислари малакасини ошириш каби йўналишларга Ўзбекистон томони улкан қизиқиш билдирмоқда. Қайд этиш лозим, ўтган давр мобайнида мазкур йўналишда сезиларли натижаларга эришилди: Ўзбекистон ҳудудида илк бор Ҳиндистон университетлари филиаллари ишга туширилди, ҳиндистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда республика ҳудудларида IT-parklар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, М.Прабхат икки томонлама савдо ҳажмини оширишда транспорт-логистика масалаларини ҳал қилиш муҳим омил сифатида сақланиб қолаётганлигини таъкидлади. Бу борада Эроннинг “Чабаҳор” порти салоҳияти алоҳида қайд этилди.

Глобал тадқиқотлар институти президенти, Ҳиндистоннинг Қозоғистон, Швеция ва Латвиядаги собиқ элчиси Ашок Сажжанхар Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги мавжуд тарихий, маданий яқинликни



алоҳида қайд этиб, ушбу жиҳат икки томонлама туризм йўналишини муҳим ва улкан салоҳиятга эга бўлган соҳага айлантириши мумкин, дея таъкидлади. Ҳозирги кундаги пандемия билан боғлиқ кўплаб чекловлар ушбу соҳада қатор қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарган бўлса-да, томонлар ҳозирдан бошлаб пост-пандемия даври учун туризм йўналишида қўшма режаларни шакллантириши, ҳамкорликнинг ўзаро фойдали жиҳатларини аниқлаб бориши зарур.

Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти эксперти Мина Сингх Рой нутқида ҳар икки давлат аҳолисининг асосий

қисмини ёшлар ташкил этишини инобатга олиб, уларнинг мамлакатлар ривожидаги муҳим ўрнини алоҳида қайд этди. Бу йўналишда ҳам яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши томонлар манфаатларига бирдек хизмат қилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, М.Рой Ўзбекистон ва Ҳиндистон таҳлилий марказлари ўртасида ҳамкорликда қўшма лойиҳа ва нашрларнинг тайёрланиши икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги долзарб масалаларни янада чуқурроқ ўрганилишига хизмат қилишини эътироф этди.

“Дунё” АА.

Деҳли

Ҳозир дунёнинг 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили курслари фаолият юритади. Келгуси 2021 йилда АҚШнинг кўплаб университетларида ҳам ўзбек тили курслари ташкил этилиши режалаштирилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 8 декабрь, 236-сон

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, бозор иқтисодиётида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосидир.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Севара МАҲМУДОВА,
Халқ таълими вазирлиги Мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси бош мутахассиси

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро шахсий ҳаётини, ижтимоий масалаларда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияга ўз ҳаёт тарзи ва иш фаолиятида бевосита ва билвосита мурожаат қилади ҳамда унга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи Бош қонун сифатида қарайди.

Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган долзарб ижтимоий муаммолар ечимини айнан ундан топа билиши зарур. Истиқлол даврида эришган энг катта ютуқларимиздан бири Конституциямиз туфайли халқимизнинг сиёсий ва фуқаролик савияси ортиб, улар ўз ҳаёти ва келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида ривожланиб боришида намоён бўлмоқда. Ҳеч муболағасиз шуни айтиш керакки, бугунги кунда Бош қонунимиз ҳар бир фуқаромиз учун ҳам қалбан, ҳам руҳан эъзозловчи муқаддас олий ҳуқуқий қадриятга, умид, ишонч ва эзгу ниятлар кўрғонига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади".

Бинобарин, Конституциямиз барчамиз учун асосий мезон бўлиши, унинг қоидалари ҳаётимизнинг мазмуни ва бош мақсадига айланиши даркор. Зеро, Конституция жамият ва давлат, қолаверса, ҳар бир инсон, ҳар бир оила ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида, Конституция ва қонунлар устуворлигига эришиш кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ. Бунда, айниқса, фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқлари Бош қонунимизда алоҳида ўрин тутгани диққатга сазовор.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган таълимга оид қоидаларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш муҳимдир. Албатта, мустақил Ўзбекистон Конституцияси нафақат жамият тараққиётини кафолатловчи, балки ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган улкан ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат саналади.

Жумладан, унинг 41-моддасида қайд этилганидек, "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир". Дарҳақиқат, халқ ва миллат тақдирини белгилаб берувчи асосий омил, бу — таълим-тарбия.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагоглар малакасини ошириш ва жамиятда уларнинг нуфузини мустаҳкамлаш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, жумладан: "Мактаб — бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак", деган ҳақли фикрлари диққатга сазовор.

Асосий қонунимизда ўз ифодасини топган ушбу тамойил Ўзбекистонда барча фуқаролар тенг равишда билим олиш ҳуқуқига эга эканини назарда тутади. Билим олишда жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, мамлакатимиз ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар, фуқаролар бир хил ҳуқуққа эгадирлар. Эътиборли жиҳати, бу ҳуқуқни бирон-бир шаклда чеклаш тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Амалдаги қонунларда бошқа давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам билим олиши мумкинлиги назарда тутилган.

Агар халқимиз кўпмиллатли эканини инобатга олсак, давлатимизда бошқа миллат вакилларининг ҳам ҳуқуқ, ҳам эркинликлари билан бирга, миллий қадрият ва урф-одатларини ҳурмат қилиши, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятга молик. Конституция асосида қабул қилинган қатор бошқа қонунлар ва давлат дастурларида белгиланган ҳуқуқий норма янада кенгроқ талқин этилган. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун, таълим тизимида муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ таълими тизимига оид фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 20 дан ортиқ қарори қабул қилиниб, соҳадаги ислоҳотлар тубдан мустаҳкамланди.

Бунда илм-фан билан шуғулланаётган ёшлар ва олий ўқув юртида намунали таҳсил олаётган талабаларни рағбатлантириш учун турли грант лойиҳалари ва степендиялар жорий этилгани ҳам давлатимизнинг келажак авлодга ғамхўрлиги ифодасидир.

Шу нуқтаи назардан, ёш авлоднинг юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши ва ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олиши учун ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" қабул қилинди. Ушбу дастур асосида халқ таълими вазирлиги ўз таълим-тарбия дастурини яратди. Унга кўра, қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини дарслик сифатида ўқитиш бошланғич таълим муассасалари, мактабларда йўлга қўйилди. Ҳуқуқий таълим ва тарбияни ташкил этиш, бу ишни тегишли тарзда мувофиқлаштириб боришни таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг самарали кечишини таъминловчи бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонлари қабул қилиниб, улар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш имконини беряпти.

> **Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг эртанги кунини юксак маънавиятли, билимли, виждонли ва, албатта, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар белгилайди. Шу маънода юртимиз мустақилликка эришгач, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Энг аввало, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди.**

Натижада таълим соҳасини ислоҳ қи¬лиш мақсадида ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг истаклари инобатга олиниб, юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. Сўнгги тўрт йилда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилиб, қонунларимизда 11 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани белгилаб қўйилди. Шу ўринда қонунчилигимизда ҳар бир ота-она фарзандини тарбиялашга, унинг таълим олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга масъул экани, уларни бажармаган шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланган диққатга сазовор.

ОНА ТИЛИМИЗГА ҚАНОТ БЕРГАН ҲУРРИЯТ

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири

Дунёда ўзлигини англаган, қадр-қиммати, ор-номусини шараф деб билган бирор миллат, халқ йўқки, озод ва фаровон яшашни истамаган ва бу йўлда курашмаган бўлса. Чунки одам боласи ҳуррият туфайли эркин яшайди, ўз она тилида бемалол гаплашади, фикрини мустақил баён қилади. Ҳуррият аталмиш неъматнинг ҳуқуқий асосини эса ҳар бир давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган Конституция белгилаб беради.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2-модда.

Ҳар бир давлатнинг Конституцияси, аввало, унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, онги ва маданиятини акс эттиради. Шу маънода, Конституциямиз халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсулидир. Туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра, илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган Бош қонунимизда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон, деган фикр илгари сурилганлиги, айниқса, тарихий воқеадир. Конституциямизнинг 14-моддасидаги *"Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади"*, деган жумла ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Эътиборлиси, Асосий қонунимизнинг яратилиш жараёнларида миллатимизнинг ўзлигини англатувчи она тилимизга алоҳида урғу берилганидир. Хусусан, тарихий манбаларга кўра, Конституциямиз умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган 1990-1992 йилларда Конституциянинг 4-моддаси биринчи хатбошида "Унинг ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва элатлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, тилларни ривожлантириш учун шароит яратилади", дейилган эди. Бу хатбоши: *"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"*, деб қайтадан тўғриланади. Бу билан ҳам халқимиз менталитети(тийнати)га хос бағрикенглик, феъл-атворига мос мўътадиллик фазилатлари тараннум этилган.

Асосий қонунимизнинг яна бир ўзига хос хусусияти жаҳонда Конституция бобида тўпланган тажриба ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини қамраб олиш билан бирга, халқимиз маданияти ва анъаналарининг теран илдизларига суянганидадир.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси демократик конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Унинг бутун мазмун-моҳиятига мустақиллик ғояси сингдирилган.

Шу билан бирга, Асосий қонунимиз энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда ривожланган, ривожланаётган 97 та мамлакатнинг конституциялари ўрганилган, таҳлил қилинган.

Конституциямизнинг халқимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, мамлакатимиз равнақида тутган ўрни ва аҳамияти жуда катта. Муҳими, у ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтиб келмоқда.

Конституцияда халқимизнинг узоқ ўтмиш даврлардан буён шаклланиб келаётган миллий тафаккури, она тили, муқаддас қадриятлари ўз аксини топган, халқимиз кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, имон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улуғ хислатлар ўрин олган. Мана, қарийб 28 йилдирки, Ватанимиз ўзининг Конституцияси бўйича яшаб келмоқда. Ҳар йили 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун сифатида кенг миқёсда нишонланмоқда. Халқимиз ва давлатимиз унда белгиланган эзгу мақсадлар сари изчил интилмоқда.

Конституциямизнинг барқарорлигини, унинг энг муҳим принциплари ва нормаларини ҳар бир ватандошимиз англаб етиши зарур. Чунки у маънавий-маданий эҳтиёжларни, ватанпарварлик туйғуларини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг виждони ва диёнатини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, биз учун муқаддасдир.

Албатта, замон янгиланишда давом этаверади. Янги талаблар Асосий қонунимизга ўзгартиришлар киритишни тақозо этиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо халқимиз қадриятлари, эртанги орзуларини ўзида жамлаган Конституциямиз бизнинг нурли келажагимизни ҳам бахту саодат маёғи сингари ёритиб туриши, шубҳасиз...

МИЛЛАТ КЎЗГУСИ, РУҲИ, ҚАЛБИ, ҒУРУРИ

Мустақиллик йилларида она тилимиз янада сайқаллашди, унинг нуфузи, мавқеи ошди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан саналган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Конституциямизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Тил ҳар бир миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулки, ўзлигининг ажралмас белгиси ҳисобланади. Ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўзи ҳурмат ва эҳтиром қиладиган тилига эга. Тилда шу халқ, элатнинг тарихи ва маданияти акс этади. Зотан, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида давлат тилига ҳуқуқий мақом бериш масаласи устувор қўйилиб, 1989 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисидаги алоҳида қонун қабул қилинди. Қонунга асосан, энг муҳим қадриятларимиздан бири ҳисобланган она тилимиз ўз мақомига эга бўлди. Бу қонун билан ўзбек миллатининг маънавиятини, руҳиятини, қадрини кўрсатадиган тилнинг ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Дарҳақиқат, тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихидир. Турли халқларнинг тилларига ҳурмат, ўз навбатида, ўзаро тушуниш, мулоқотларга имконият яратади. Тилларнинг сақланиб қолиши учун эса уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди.

Ҳозирги кунда ер юзида 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Мамлакатимизда 7 та тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилида) таълим берилаётгани ва шу тилларда дарсликлар, адабиётлар ва таълим олиш учун зарурий манбалар етарлича таъминланаётгани юртимизда "Тилга эътибор — элга эътибор" ҳикматининг жамият ҳаёти фаровонлигида ўзининг муносиб ўрнини топаётганига яққол исботдир. Улуғ маърифатпарвар Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти унинг миллий тили ва адабиётидир.

ЯНГИ ФИКРЛАШ — ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

"Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун — 21 октябрь санасининг Ўзбек тили байрами куни деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихи, янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ишончли самараси, мустақил Ватанимиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ҳаётидаги улкан воқеадир. Ушбу муҳим ташаббус давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрь куни қабул қилинган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ўз ифодасини топган эди. Фармонга биноан, она тилимизнинг истиқболдаги тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида Вазирлар Маҳкамасида давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида департамент, Атамалар комиссияси ташкил этилди. Вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича ўринбосарига тенглаштирилган маслаҳатчи лавозими жорий этилди.

Мазкур департамент томонидан жорий йил мобайнида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг юқорида номи келтириб ўтилган фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жами 14 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 1 та қонун, Президентнинг 1 та фармони ва 1 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Президентининг "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, шунингдек, "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида битта қонун ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Қайта ишланган, тўлдирилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг яратилиши юртимиз маънавий-маърифий ҳаётида қувончли воқеа бўлди. Ушбу китобнинг хорижда, хусусан, Буюк Британия, Германия, Италия, Португалия, Франция, Жанубий Корея, Беларусь, Бельгия, Россия, Украина, Миср, Хитой, Япония, Индонезия, Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Покистон, Исроил, Қозоғистон, Афғонистон каби давлатларда тақдимоти ўтказилиши кишига завқ-шавқ бағишлайди, ўзгача масъулият ҳам юклайди.

Айтиш жоизки, она тилимизнинг мавқеини халқаро миқёсда ёйишда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол, Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида хорижда 36 та элчихона ва консулхонага ўзбек тили дарсликлари, методик қўлланмалар, жами 250 номдаги илмий ва бадиий адабиёт электрон кўринишда тарқатилди. Шунингдек, АҚШ, Германия, Туркия, Озарбайжон, Украина сингари мамлакатларда ўзбек тилининг жозибаси ва уни ўрганиш услубларига бағишланган 10 га яқин вебинар (онлайн семинар) ўтказилди.

"Telegram" мессенжерида тил маслаҳатчилари гуруҳи шакллантирилиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган материалларда давлат тилига доир қонунбузилиш ҳолатларини муҳокама қилиш ҳамда камчиликларни тезкор бартараф этиш, қўштирноқ ичидаги турли холис муносабатларга нисбатан асосланган муносабат билдириш тизими йўлга қўйилди.

Ҳозир давлат тилининг бузилиши ҳолатларини аниқлашда "Facebook" ижтимоий тармоғи ва Telegram мессенжери фойдаланувчилари иштирокида узвий жамоатчилик назорати жорий қилинган бўлиб, турли блогер ва гуруҳлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. "Facebook"да атамаларнинг электрон манбаини тўплашга қаратилган "Ўзбекчаси бор-ку!" саҳифаси каналининг йўлга қўйилиши ҳам шулар жумласидандир.

Лоқайдлик ғанимдан хавфли, дейди халқимиз. Бу бежиз эмас, албатта. Бу мақолнинг қанчалик долзарб экани ташқи ёзувлар, яъни пешлавҳа, реклама ва бошқа эълон, ахборот матнларини тартибга солиш нуқтаи назаридан республика бўйича ўтказилган хатловда ҳам кўринди.

Хатлов натижасида ўрнатилган 275 581 та ташқи ёзувнинг 124 705 таси, яъни 45,3 фоизини ўзгартирилиши лозим, деб топилди. Шундан 81 379 таси хорижий тилда, 20 595 таси хато билан ёзилган, 22 731 таси яроқсиз (эскирган). Талабга жавоб бермайдиган 49 639 та ташқи ёзув олиб ташланди.

Шунингдек, географик объектларга ном бериш борасида республика бўйича мавжуд географик объектлар хатловдан ўтказилиб, уларнинг ҳам рўйхати шакллантирилди. Ҳозирга қадар маҳаллий кенгашларнинг қарорлари асосида 65 та қишлоқ, 263 та маҳалла, 171 та аҳоли пункти, 16 296 та кўча, 14 та майдон, 22 та хиёбон, 208 та қабристонга ном берилди ёки номлари ўзгартирилди.

Жумладан, республика бўйича 11 886 та номсиз кўчанинг 7 583 таси қонунчиликда белгиланган тартибда номланиб, туман (шаҳар) кенгашларининг шунга оид қарорлари билан тасдиқланди. Қатор ҳудудларда номи такрорланадиган кўчалар, маъносиз жой номлари аҳоли билан келишилган ҳолда бошқа номларга ўзгартирилди. Маҳаллий кенгашларнинг қарори асосида номланган ва номи ўзгартирилган минглаб жой номлари давлат реестрига киритиш бўйича Кадастр агентлигига тақдим этилди. Қишлоқ, маҳалла, аҳоли пункти, кўча, майдон, хиёбонларнинг номи ёзилмаган ва пешлавҳалар ўрнатилмаган жой номлари ўрнига лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги пешлавҳалар ўрнатилди.

География объектларнинг жойлашган жойи, номи тўғрисида маълумотлар берувчи, фойдаланувчилар учун қулай, номлар бўйича ўз таклифлари ва тавсияларини жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган "geonames.uz" ҳаволаси орқали География объектларнинг номлари давлат реестрининг ахборот веб-портали ишга туширилди.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати", "Давлат тилида иш юритиш", "Сўз сандиқчаси", "Сўз хиёбони", "Халқаро термин элементларнинг изоҳли луғати" Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 23 мингдан зиёд нусхада нашр қилиниб, тақдимотлари ўтказилди.

Бу китоблар давлат идоралари ва ташкилотлар, ўқув муассасаларига беғараз тарқатилмоқда. Хусусан, болалар учун луғат китобча — "Сўз сандиқчаси" республикадаги барча умумтаълим мактаблари кутубхоналарига етказиш учун Халқ таълими вазирлигига тақдим этилди. Шунингдек, ҳамюртларимизга қулайлик яратиш мақсадида "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг "ilug'at" мобиль иловаси,

унинг офлайн компьютерларда ишлай оладиган десктоп дастури ҳамда компьютер дастурни юклаб олиш учун http://ilugat.uz сайти яратилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликдаги илмий лойиҳалар танлови "jadid.uz" электрон платформаси, ўзбек тилининг миллий корпусини, янги авлод ўқув луғатлари ва уларнинг мобиль иловаларини, ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг методик таъминоти бўйича электрон платформа яратишга қаратилган. Ушбу грантлар учун жами 20 га яқин талабгор ҳужжат топширган бўлиб, айни пайтда илмий саралаш босқичи давом этмоқда.

Ҳар бир қилинган иш ўз аксини топиши, инсонлар қалбидан жой олиши муҳимдир. Шу маънода Вазирлар Маҳкамаси муассислигидаги "Янги Ўзбекистон" ижтимоий-сиёсий газетасида "Тил — миллат ғурури" номли янги рукн ташкил этилди ва давлат тили билан боғлиқ мақолалар мунтазам равишда чоп этиб борилмоқда. Ҳозирга қадар газетада бу борада 80 дан ортиқ оммабоп мақола эълон қилинди.

Бундан ташқари, ОАВда давлат тили бўйича тарғибот қилинаётган материалларнинг доимий мониторинги йўлга қўйилган бўлиб, босма ОАВда, телерадиоканалларда ҳамда ижтимоий тармоқларда давлат тили тарғиботига доир юзлаб, минглаб материаллар эълон қилиб борилмоқда.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни ривожлантириш мақсадида "Қадринг баланд бўлсин, она тилим" халқаро танлови ўтказилгани ўз ижобий натижаларини берди. Буни танлов жараёнида ташкилий қўмитага келиб тушган икки мингга яқин ижодий ишдан ҳам билса бўлади. Айниқса, АҚШ, Франция, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари яқин ва узоқ хориж мамлакатлари вакиллари иштироки тадбирга ўзгача файз киритди, нуфузини оширди.

ОНА ТИЛИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши ўзбек тилининг туркий тиллар оиласидаги ўрни нақадар муҳимлигини исботлади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек адабий тилини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ўзбек тили давлат тили, давлат рамзи, миллий маданият ва маънавиятни ифодаловчи ҳамда уларни келажак авлодга етказувчи муҳим мулоқот воситаси даражасига кўтарилди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда тилимиз кенг қўлланилиб, хориждаги кўплаб университетлар, илмий муассасаларда ўзбек тили марказларида она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бормоқда. Жумладан, ҳозир дунёнинг 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили курслари фаолият юритади. Келгуси 2021 йилда АҚШнинг кўплаб университетларида ҳам ўзбек тили курслари ташкил этилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида иштирок этиши ва нуфузли минбарда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлаши қалбимизда чексиз фахр туйғуларини уйғотгани ҳам айни ҳақиқат. Давлатимиз раҳбарининг БМТда ўзбек тилида нутқ сўзлаши она тилига ва ўзбек халқига чексиз меҳр-муҳаббати, янги Ўзбекистон келажагига юксак ишончининг яққол ифодасидир.

Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Шундай экан, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда, унинг миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшилишида ҳар биримизнинг ҳиссамиз бўлиши керак. Уни ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб этиш, турли хуружлардан сақлаган ҳолда келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш шу миллат вакилларининг инсоний вазифаси, маънавий бурчидир.

Тил — ҳар бир миллатнинг руҳи, қалби, ғурури, мустақиллик белгиси, келажаги. Тилсиз ҳеч бир миллат тўлақонли халқ бўла олмайди. Шундай экан, она тилимизни асраб-авайлаш, унинг мавқеини кўтариш ҳар биримизнинг фаол фуқаролик бурчимиз эканини асло унутмайлик.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК — ЮКСАЛИШ ПОЙДЕВОРИ

Темур АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар марказида, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади туради. Фуқаролар манфаатларини фақатгина тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш орқали таъминлаш мумкин.

Бугун дунё коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозга дуч келган бир шароитда кўплаб минтақаларда миллатлараро ва конфессиялараро зиддиятлар кучаяётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу боис, бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш учун бирдамликни сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳолининг кўп миллатли бўлишига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қулай омили сифатида қаралмоқда. Ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ҳисобига халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрўси ошиб бормоқда.

Хусусан, мамлакатимиздаги давлат таълим муассасаларида ўқитиш етти тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини ўн икки тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қошида 138 та миллий маданий марказ, бундан ташқари, 16 та конфессияга тегишли 2300 га яқин диний ташкилот фаолият юритади.

Бу борада яхлит, чуқур ўйланган сиёсат ва уни амалга оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилиб, миллатлараро ва динлараро тотувликни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда. Бу ислоҳот ва ўзгаришларнинг негизида конституцион ҳуқуқ ва кафолатлар ётганини алоҳида қайд этиш лозим. Шундан келиб чиқиб, бу борада қуйидаги далилларни келтириб ўтиш зарур.

Биринчидан, турли миллат ва дин вакилларининг ўз салоҳиятини тўлақонли амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун конституциявий кафолатлар белгиланган. Бунда, энг аввало, фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш алоҳида эътиборга олинган.

Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сирасига фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, миллат ва элатларнинг маданий, тил ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ўзаро ҳурмат қилиш киради.

Конституциявий кафолатлар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фуқароларга жамоат ва давлат қурилишида иштирок этишни таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ўрнатиш сиёсати Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тўла мос келади.

Иккинчидан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистоннинг замонавий давлат сифатида ривожланиш стратегиясининг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги тўрт йилда миллатлараро муносабатлар ва дин соҳасида 50 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ва 40 га яқин қарорлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти фуқароларнинг дини ва миллатидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, шу жумладан, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятини оширишга қаратилган.

Масалан, диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатлари ижро ҳокимияти — адлия органларидан судларга ўтказилиб, уларнинг фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланди. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи миқдори беш бараварга камайтирилди, ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди. Бундан буён диний ташкилотлар фақат йилда бир марта ҳисобот тақдим этади.

Шунингдек, 2019 йилда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди. Шу билан бирга, диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қанча қарорлар қабул қилиниб, унга кўра, мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш, турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасида конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантириш бўйича янги тизим жорий этилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди, Дин ишлари бўйича қўмита фаолияти такомиллаштирилди.

Учинчидан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиялараро мулоқотни ривожлантириш борасида институционал ёндашув йўлга қўйилди.

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Конфессия ишлари бўйича кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди.

Кенгаш таркиби 9 нафардан 17 нафар аъзога — Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессиялар вакиллари ҳисобига кенгайди. Эътиборли жиҳати, кенгаш аъзолигига аъзолари оз сонли диний ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам киритилди. Жамоатчилик маслаҳатлашув органи ҳисобланган мазкур кенгашнинг асосий мақсади Ўзбекистондаги мавжуд диний-ижтимоий жараёнларни муҳокама қилиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг асосий вазифалари қаторига давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш ва янада ривожлантириш киритилди. Қўмита қошида фуқароларнинг этномаданий талабларини ўрганиш, аниқлаш ва қаноатлантиришга, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга, миллий сабабларга кўра, эҳтимолий можароларнинг олдини олишга кўмаклашувчи Жамоатчилик кенгаши тузилди. Бундан кутилаётган асосий натижа — мазкур соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришдир.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаётган миллатлар урф-одати ҳамда ислом динининг маданий ва цивилизацион мероси, маънавий-фалсафий аҳамиятини чуқур ўрганиш бўйича ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — фундаментал илмий тадқиқотлар натижалари асосида диний бағрикенглик, миллатлараро муносабатларнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва уни бугунги кун шароитида ривожлантиришдан иборат. Бу борада Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номидаги халқаро тадқиқот марказлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, тегишли олий таълим муассасаларида сифатли диний таълим олиш имконияти кенгаймоқда. Ўрта, олий диний таълим, магистратура, бошланғич докторантура ва докторантурани ўз ичига олган диний таълимнинг беш босқичли тизими шакллантирилди. Исломий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш квотаси икки баравар оширилди. Шунингдек, Тошкент православ семинарияси ва Тошкент христиан семинарияси ўқув даргоҳлари ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Тўртинчидан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Ҳукумат халқаро ташкилотлар ҳамда ушбу соҳадаги мутахассислар билан конструктив мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зейд Раад Ал-Ҳусейн ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Миллий озчиликлар бўйича Олий комиссари Ламберто Заниернинг мамлакатимизга ташрифи чоғида мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар муҳокама қилинди ва халқаро мутахассислар томонидан бу борадаги ўзгаришларга юқори баҳо берилди.

Эътиборли жиҳати, 2017 йилда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бора мамлакатимизга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид ташриф буюрди. Унинг тавсиялари асосида 2018 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Умуман олганда, **халқаро ҳамжамият мамлакатимизнинг миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги фаолиятини юқори баҳоламоқда ва Ўзбекистон тажрибасига катта қизиқиш билан қарамоқда.** Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклиф этилиши ва ушбу ҳужжатнинг 2018 йил 12 декабрда қабул қилиниши бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур соҳада олиб борилган ислоҳотлар доирасида эришилган муҳим натижалардан бири сифатида 2018 йилда АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинлик борасида "алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакатлар" рўйхатидан чиқарганини кўрсатиш мумкин.

Эътиборли жиҳати, 2020 йил 13 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга — 2021-2023 йилларга сайланди. Мамлакатимиз учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 давлатдан 169 таси овоз берди. Бу сайловда энг кўп овоз берилган давлат Ўзбекистон бўлди. Бу ҳам юртимизда миллати ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, шу жумладан, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг эътирофи десак, муболаға бўлмайди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда ишончли ва масъулиятли субъект сифатидаги роли мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ижобий ва ўзаро ҳурматга асосланган муҳитни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг янги модели яратилди. Ушбу модель турли миллат ва дин вакиллари ўртасидаги миллатлараро ва динлараро мулоқот, конструктив ёндашув ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига асосланади.

Шу маънода, сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва дин соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатда ушбу соҳаларда янгича ёндашув ва стратегик мақсадни бирлаштирган тизим шакллашишига хизмат қилди. Мазкур тизимнинг муваффақияти эса юртимизда тинчликни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, барқарор ривожланиш учун замин яратмоқда. Зеро, замонавий давлатнинг бош мақсади жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

Бу борада Асосий қонунимиз — Конституция нафақат жамият ва давлат тараққиётини белгиловчи олий даражадаги сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат, балки мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш тарзини кафолатловчи муҳим асосдир.

ИНСОНИЙ КОМИЛЛИК КАФОЛАТИ

Наврўз РИЗАЕВ,
Ғайрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Янги Ўзбекистон ота-боболар чироғи ёниқ файзли ва ҳамжиҳат хонадонга ўхшайди. Мамлакатимизнинг тарихий солномасида 1992 йил 8 декабрь санаси алоҳида ўрин тутади. Боиси, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Конституциямиз айнан шу санада қабул қилинган. Бош қонунимиз бугунги ҳаётимиз ва келажагимизни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи мукаммал ҳужжатга айланди.

Конституциямиз инсон манфаатлари олий қадрият эканини ўзида ифода этгани билан аҳамиятли. У юртдошларимизнинг бунёдкорлик қобилиятини ҳаётда тўла намоён қилиши учун катта имкониятлар яратиб берган мустаҳкам таянчдир.

Конституция халқимизнинг инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, муносиб ҳаёт тарзи ва давлат тараққиёти одимларини кўрсатувчи йўлчи юлдуз, маёқдир.

Инсон қаерда ва қачон ўзини эркин ҳис этади? Фақат унинг ҳуқуқлари тўла қамраб олинган, орзулари ушалишига ишонч яратган ва она бағри каби ҳузурбахш қадрдон Ватанида, албатта.

Биз бугун инсон қадри юксакларга кўтарилган янги Ўзбекистонда яшаяпмиз. Мамлакатда баҳор насимлари сингари эркинлик эпкинлари эса бошлади.

Президентимиз жорий йил 22 июнда "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Унда истиқболнинг улкан ғоялари ўз ифодасини топган. Муҳими, янгиланаётган Ўзбекистоннинг ташаббуслари БМТ даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган.

Ўзбекистонда афв институти ташкил этилди, судлар либераллаштирилмоқда. Бағрикенглик ва инсонпарварлик тантанаси туфайли Президентимизнинг кейинги йилларда имзолаган фармонлари асосида ўз қилмишларига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган шахслар озодликка чиқарилди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шарти бўлган шахснинг фуқаролигини тиклаш масаласини олайлик. Узоқ йиллар юртимизда яшаб, меҳнат қилиб, фуқаролик мақомига эга бўлолмай келаётган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди. Ҳозир улар бу ғамхўрликни мўъжизавий воқеа сифатида қабул қилмоқдалар. Уларнинг қувонч кўз ёшлари ҳаммани тўлқинлантириб юбормоқда.

Ёки Суриядаги жаҳаннамлар майдонида сарсон-саргардон юрган ўнлаб юртдошларимиз — хотин-қиз ва болаларнинг мамлакатимизга қайтарилишини эсланг... Бу давлатимиз раҳбарининг бағрикенглик сиёсати, инсон қадр-қимматига бўлган меҳри натижаси эмасми? Бу — барча ўзбекистонликларнинг конституциявий ҳуқуқлари таъминланишининг ибратли намунаси эмасми?

Яна бир муҳим масала. Жамиятда сўз ва фикр эркинлиги шаклланди. Матбуот цензурадан бутунлай холи фаолият юритмоқда. Бугун ҳар бир воқеа барча оммавий ахборот воситаларида кенг мушоҳада қилинмоқда. Ахборот тарқатиш тезлашди. Журналист, блогер ва ўз қарашларини ифода этувчи оддий фуқаро ҳам очиқ майдонда халқ ва ижро ҳокимияти билан исталган пайтда мулоқот қиляпти. Бу Конституцияда белгиланган сўз эркинлигининг амалдаги ёрқин кўринишидир.

Инсонда ҳамма нарса — юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши лозим. Юртимизда комилликка интилаётган навқирон авлод вакилларида ана шу каби фазилатларни шакллантириш учун Бош қонун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, парламентнинг Қонунчилик палатасига кўплаб ёшлар сайлангани бунинг мисоли.

Кўнгил — инсон руҳиятидаги дарахт. Баробар ўсади, улғаяди, ҳосил беради, юксакликка интилади. У парваришни хуш кўради. Бизнинг 28 ёшга қадам қўяётган Конституциямиз ҳам барчамиз учун ҳуқуқларимизни юксалтириш йўлидаги муҳташам, илдизлари мустаҳкам дарахт сингари қадрлидир.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

ҚОНУНЛАРГА ҲУРМАТ БОЛАЛИКДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК

Муножат МЎМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ватан ҳақидаги тантанавор куй остида жажжи қўлларида мўъжазгина юрт байроғини тутганча саҳнага бор беғуборлиги билан чиқиб келаётган болажонларни кўриб, болаликка қайтасан гўё.

Улар эртага забардаст қўлларида чинакам юрт байроғини тутишини ўйлаганда эса беихтиёр кўзга севинч ёшлари қалқийди. Негаки, биз эртамиз, келажагимиз бугун байроқ тутган мана шу қўлларда эканига ишониб яшаймиз.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 312-давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланаётган 195 нафар болажонларнинг ота-онаси ҳам ана шу эзгу ниятлар билан уларни шу масканга етаклаб келаётгани аниқ. Бу ердаги меҳрибон тарбиячилар болалар тарбиясига бугунги замон талабларидан келиб чиқиб ёндашишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, мактабгача таълим бутун бошли таълим тизимининг пойдевори экан, уни мустаҳкам бунёд этиш, таълимнинг кейинги босқичига қадам қўяётган эртамиз эгаларининг дунёқарашини ҳар томонлама бойитиш олдимизда турган долзарб вазифалардан. Айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи, аввало, уларни давлатимиз рамзлари, турли байрамларимизга нисбатан ҳурмат ҳиссида ўстиришни тақозо қилади.

Ана шуни инобатга олган ҳолда, мазкур таълим ташкилотида ҳам биронта байрам, қутлуғ саналар эътибордан четда қолмайди. Хусусан, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги арафасида бўлиб ўтган тантанали тадбирга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилгани, тарбиячиларнинг болалар билан астойдил иш олиб боргани бунинг далолатидир. Ўзбек ва рус тилларидаги саҳна кўринишларида болалар Конституция қандай ҳужжат экани, унинг моддаларида нималар акс этганини мурғак тасаввурлари доирасида англашга муваффақ бўлдилар, десак хато бўлмайди. Айниқса, Бош қонунимизнинг I бўлимига дахлдор моддаларни улар тилидан эшитиш ўзгача завқ берди кишига. Моддаларга ҳамоҳанг байроқ, герб, ўзбек тили, Тошкент ҳақида янграган шеърлар, Ватан ҳақидаги қўшиқлар ва рақслар кечага янада файз улашди. Рамзий Конституция китоби томонидан берилган саволлар болажонларнинг ҳуқуқий билимлари нечоғлиқ юқори эканини кўрсатди.

— Болаларимиз учун спорт, рақс, рус, инглиз тили тўгараклари ташкил этилган бўлиб, мазкур тўгараклар фаолиятидан ота-оналар ҳам миннатдор, — дейди таълим ташкилоти раҳбари Шоҳсанам Аширбоева. — Турли тўгаракларда болажонлар қўшимча билим олиш баробарида ўтказиладиган тадбирларга ҳам ўз-ўзидан тайёрланиб борадилар. Давлатимиз байроғи қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирдан сўнг, Конституциямизнинг 28 йиллиги муносабати билан яна бир катта бадиий кечага тайёргарлик бошлаган эдик. Л.Басариева, Д.Тўлаева каби тарбиячиларимизнинг фидойилиги билан тарбияланувчиларимиз бугун фаоллик кўрсатди. Албатта, бу каби тадбирлар келажагимиз ворисларини ватанга садоқат руҳида тарбиялашимизда муҳим омил бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 8 декабрь, 236-сон

“ЛАБДА ТАБАССУМУ КЎЗДА ЁШ БИЛАН...”

ёхуд келажакнинг кўзлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин САЙЙИДнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ва теран миқёсдаги ислоҳотлардан ниҳоятда улкан самаралар кутилаётганини бугун ҳаммамиз яхши англаймиз. Президентимиз раҳнамолигида халқимиз нақадар катта марраларни, нақадар улуғвор орзу-ниятларни кўзлаб, шашту шиддат ва шижоат билан меҳнат қилаётганини жаҳон ҳамжамияти кўриб, ҳайратда лол бўлаётгани сир эмас. Маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш борасидаги ишлар туб ислоҳотларнинг ўқ илдизларидан бирини ташкил этади. Халқ иродаси, эл-юрт хоҳиш-истаги билан рўёбга чиқарилаётган мақсад-муддаоларнинг ҳар бирининг замирида оламжаҳон мазмун бор. Бугун адабиётимиз, санъат ва маданиятимиз ривожига қаратилаётган юксак эътибор Президентимизнинг ижодкор зиёлилар билан учрашувда: **“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”**, деб айтган сўзларини яна бир бор эсга солади ва асосий мақсадимиз нима эканини ойдинлаштиради. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ва Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 80 йиллиги ҳамда Халқ артисти Ботир Зокировнинг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорлар ҳам ана шу улуғвор мақсадга эришиш йўлидаги катта саъй-ҳаракат намунасидир.

— Ҳар қандай давр ва замондаги ўзгаришлар халқ руҳияти ва маънавиятидаги устунликлар билан чамбарчас боғлиқ. Ўтмишдан керакли сабоқ чиқариб, бугунги кунга баҳо бериш ва келажак учун илҳомбахш ғояларни тақдим этишда ижодкорларнинг салоҳияти ва дунёқараши муҳим аҳамият касб этади. Сизнингча, бугунги кун ижодкори маънавий ислоҳотлар жараёнида қай даражада фаол бўлмоғи керак?

— Ҳеч қандай шамол бесабаб эсмайди. Ҳар қандай кўчат ва ё навниҳол ҳам ўз-ўзидан ўсиб дарахтга айланавермайди. Донишманд боболаримиз “ниҳон ичра пайдо, пайдо ичра пинҳон” деганларидай, гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғу бу оламда “қора ер қаъридан то Зуҳал авжига қадар” тафаккур қилиб кўрсангиз — бутун Ер ва коинот, борлиқ мавжудот сабаб ва моҳиятдан иборат буюк бир қонуният билан яшаётганига имон келтирасиз. Шундай бўлмаганида эди, улуғ шоирларимиз қийин ва қабоҳат замонларда “Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш”, дея осмону фалакларга қараб, нолакор ва наъравор сатрларни ҳайқирмаган бўларди.

Биз XXI асрда, кишилик жамиятида яшаяпмиз. Насиб этса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай — бор-йўғи йигирма ё ўттиз кундан кейин — “йигирма бир” санаси билан рақамланган бу асрнинг йигирма биринчи йилига ҳам қадам қўямиз. Худо хайрли қилсин, деймиз. Барча эзгу ишларимиз, орзу-ниятларимизни Яратганнинг Ўзи ўнгидан келтирсин, дея тилаклар билдирамиз.

“Замондан қойинмангларки, замоннинг эгаси Парвардигордир”, дейилади Термизий боболар йиққан ҳадис китобларида. Бунинг замирида, замондан қойинмоқ — Яратганнинг Ўзидан қойинмоқдир, деган буюк маъно ва ибрат мужассам. Донишманд аждодларимиз “Ҳар бир туғилажак одам зурриёти илоҳий маърифат билан дунёга келади” сингари умрбоқий ҳикматлар хазинасини бебаҳо маърифий мерос сифатида бизга қолдириб кетган. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҳамма гап таълим-тарбия, билим ва маърифатга келиб тақаляпти.

Сиз берган саволларни даврнинг ўзи кўндаланг қўяётир. Тан олиш керак, жиддий ва кенг қамровли, кўлам ва залвори жиҳатидан Ватан тақдири, миллат миқёси билан тенг келадиган замон саволларига дабдурустдан жавоб бериш осон эмас, албатта. Биз барчамиз оталармиз, оналармиз, опа-сингил, акаука, оға ва инилар — бир сўз билан айтганда, қондош ва жондош, меҳрпарвар ҳам саховатпеша, бағрикенг бир халқ, бир Ватаннинг дилдошлари, дилбандларимиз. Бир жойга борсак, ортимиздан гўё бутун эл-юрт, бор уруғ-аймоғимиз қараб-кузатиб тургандай — яхши ишимиздан элдошларнинг юзи ёруғ, ножўя қилмишимиз бутун миллатнинг юзини шувут қилиб, номига иснод келтириш билан баробар эканини, айниқса, бугунги сертаҳлика дунёда янада теранроқ англаётирмиз.

Бобур ҳазратлари **“Ҳеч нарса Худонинг изсиз хориж содир бўлмас”,** деганларидай, модомики, гап давру замон хусусида борар экан, бобо тарихимиз, узоқ ва яқин ўтмишимизга назар ташласак, буюк салтанатлар, улуғ ва қудратли ҳукмдорлар жаҳон сиёсат майдонига бежиз-бесабаб чиқиб келмаганининг гувоҳи бўламиз. Яратган Эгам элу юртга боқиб, халқнинг хоҳиш-иродаси нечоғлиқ улуғвор ва устуворлигига қараб, шунга муносиб ва мутаносиб йўлбошчиларини юборади, деган нақл жаҳон халқлари тарихида ҳам, ўзимизнинг тарихда ҳам бор гап.

Халқ руҳияти ва маънавиятидаги устунликлар деганда нимани тушунамиз? Халқ — тарих дегани, тарих эса бугун ва келажак демакдир.

Сўз ҳам бунёдкор бўла оладими, дейишингиз мумкин. Бўлмаса “Сўз мулкининг соҳибқирони”, “Ғазал мулкининг султони” деган барҳаёт иборалар қаердан чиқиб келган? Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, Амир Темур бобомиз Шаҳрисабзда бунёд эттирган, муаззам Оқсарой пештоқларида кўп илоҳий ёзувлар қатори **“Подшоҳларнинг сўзлари — сўзларнинг Подшосидир”** деган битик ҳам нақш этилган экан.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг биргина **“Чунки топдим ул калом ичра камол”** мисрасини шарҳлаб бермоқ учун — унинг талқин ва таҳлили учун неча бир диний-тарихий китобларни титкилаб чиқишга тўғри келади.

Тарих — бугунги кун ва келажак, билим ва маърифат деганидир. Аждодлар оҳи, қиличлар зангию қасоскор боболар санчиб кетган қасамлар унутилмайди. Барчамиз шаъну шавкати баланд элнинг фарзандларимиз. Бундан ғурур ва ифтихор этмоқ — бу юксак туйғу ва тушунчаларни юрак-юракдан ҳис этмоқ учун эса миллат болаларидан катта салоҳият ва билим талаб этилади.

Замон ўз Бунёдкорини яратгани каби, Бунёдкор замон биносини барпо этади. Бу бинонинг пештоқларига **“Жаҳолатга қарши маърифат”, “Китобсиз келажак йўқ”, “Уз болангни ўзинг асра”, “Адабиёт халқнинг юраги”, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”, “Тил бор экан — миллат барҳаёт”, “Маърифат. Маърифат. Яна бир карра маърифат!”** сингари замон ҳикматларининг битилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ...

Биз барчамиз Президентимизнинг халқни миллатга, мамлакатни Ватанга айлантира олиш қудратига эга тарихий маърузалари замонида яшаяпмиз. Биргина “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” даъватининг ўзи мамлакатимиз маърифий оламини жунбишга келтиргани ҳам айни ҳақиқат. Тарихий ва умрбоқий иқтибослар зўрма-зўраки ўйлаб топилмайди. Халқ ва миллат тақдири, уйқусиз ва бедор тунлар, уйғоқ онг ва тафаккур маҳсули бўлмиш чинакам иқтибослар қалб қони билан яралади. Шу боис, халқ қалбида кенг акс-садо беради. Сўзнинг Бунёдкорлиги, яратувчанлик қудрати ҳам шунда.

Нима учун Қодирий бобонинг **“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”** сўзлари юз йилдан бери худди кеча ёзилгандай, янгилигича яшаб келаётир, бунинг сабаб ва моҳияти нимада? Яна бир иқтибосга эътибор беринг: **“Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдиқ, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш достончилиқ, рўмончилиқ ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир ва Зуҳро”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Баҳром гўр”лари билан таништиришка ўзимизда мажбурият ҳис этамиз...”**

“Ўткан кунлар” романининг кириш қисмидаги сўзбошидан олинган бу иқтибосни асар ва муаллифнинг номларини қўймасдан ўқилса агар — бу гаплар худдики бугун, айнан бугунги замон ижодкорлари учун битилгандай, гўёки Абдулла Қодирий ҳазратлари Самарқанд дарвозадаги ҳужраларида бугун эрта тонгдаёқ яхши ниятлар билан турганлар-у қаламкаш невараларимга бир йўл-йўриқ кўрсатай, дея қоғозга тушириб қўйгандай.

“Ёзғувчидан” деб номланган мухтасаргина муқаддиманинг биз мисол келтирмаган иккинчи бўлагида **“...ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим”,** деб айтаркан, буюк адиб ўз азиз бошини ихтиёрий равишда мустабид тузумнинг қатлкундасига қўяётганини жуда яхши англарди. Ич-ичидан сезиб-билиб тургани учун ҳам миллат тақдирининг, таъбир жоиз бўлса, гўзал ва буюк қайғуномаси бўлмиш ўлмас асарини ёзмоққа **“жасорат этдим”,** дейди.

Беназир адибимиз наинки ўз даври, балки бугунги ва эртанги кун ижодкорининг тарих, давру замон ва келажак олдидаги бурч ва масъулиятини ҳам назарда тутмоқда.

“Навоий, сўз айтурда мардона бўл”, дейдилар буюк бобокалонимиз. Бу дегани — сўзда ёлғон ва муттаҳамлик кетмайди. Сўз номардликни кўтармайди. “Ҳеч осон бўлмаган Абдуллаларга”, дея мақоми юксак отдошларига бағишловлар битган устозимиз Абдулла Орипов ҳам **“Шеърни мард киши ёзади, тамом-вассалом!”,** дер эдилар. Замон ҳикматига айланган бу сўзлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, долзарблигича қолмоқда.

Айтганингиздай, биз ҳақиқатан ҳам шиддатли бир даврда, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, айни пайтда кенг кўламли маънавий ва маърифий ислоҳотлар замонида яшаяпмиз. Қизғин ва жўшқин жараёнлар ҳаммамизни, жумладан, ижод аҳлини ҳам бир-бир саралаб, элакдан ўтказаётир. Нима ҳолат бўлган тақдирда ҳам, шоир ёки ёзувчи ўз даврининг фарзанди, даврнинг воқеа-ҳодисалари, ўзгариш ва эврилишларидан айро ҳолда яшай олмайди. Виждон уйғоқлиги, қалб бедорлиги унинг ижтимоий фаоллигини белгилайди.

Ҳеч бўлмаганда, Сардоба фожиасини бошидан кечирган, сирдарёлик оқсоқол Отабой бобо Эгамбердиев Президентимиз ҳузурида жўшқин завқу шавқ ва ҳаяжон билан “Сардоба сити” дея таъриф бергандек, қисқа муддатларда бунёд этилган, эл-юрт иродаси ва шижоатининг тимсоли бўлмиш Сардоба мўъжизасига ҳам гувоҳ бўлган халқнинг, ҳеч бўлмаганда, яп-янги, ёп-ёруғ шу уйларда қалби ҳам, юзи ҳам офтобдай ёришган шу элнинг бир хонадонига кириб, оила аҳлининг қувончу бахтига шерик бўлиш ҳам ижодкор киши учун бурч ва виждон иши ҳисобланади.

Бу дунёда буғдойинг ҳам, буғдой сўзинг ҳам бўлсин экан.

Биз китоб совға қилганимиз хонадон соҳибалари — мунис ва мушфиқ онахоннинг дуоларию рангпаргина навжувон келинчакнинг таскин-тасалли сўзимиздан ўпкаси тўлиб кетиб, тўккан севинч ёшларини сиз ҳам кўрсангиз эди. Биз ҳам бу хонадондан “лабда табассуму кўзда ёш билан” кетдик.

Шу аснода, беихтиёр, Навоий бобомизнинг бировнинг бузилган ва тушкун кўнглини кўтариб, хотирини хушнуд қилмоқ вайрон бўлган Каъбани обод этмоқ билан баробардир, мазмунидаги эл аро довруқ қозонган маълум ва машҳур байтлари эсга келади.

— “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак”. Давлатимиз раҳбарининг ушбу гапларини мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг бир вакили, қолаверса, халқ шоири сифатида қандай шарҳлаган бўлардингиз?

— Президентимиз миллий Уйғонишнинг тўрт узвий ҳалқаси қаторида “Янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни, яъни маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади”, деб ота-оналарга катта ишонч билдирар экан, бу ўринда, кенг қамровли оилавий тарбиянинг нақадар муҳимлиги, устуннинг пойдевори, бу пойдеворнинг устувор ва емирилмас асослари оила муҳитида, узлуксиз ва муттасил оилавий таълим-тарбия орқали қўйилажагига алоҳида урғу берилмоқда.

Устун билан устувор — қариндош-уруғ, отабола, оға-ини сўзлар, Устун устувор бўлмоғи учун пойдевор, пойдевор маҳкам бўлмоғи учун асос мустаҳкам бўлиши шарт ва зарур. Буни қарангки, “асос” сўзининг тилимиздаги яна бир маъноси “асил”, “мустаҳкам” сўзи эса “соғлом” деган маънони ҳам билдираркан.

Шу жиҳатдан халқнинг “Соғлом танда — соғлом ақл” мақоли билан Фитрат муаллимнинг **“Бу дунё — кураш майдони. Соғлом тан, ўткир ақл, яхши ахлоқ бу майдоннинг қуролидир”**, деган сўзлари тарихга нисбатан қаралганда, тарихдош ва асрдош бўлиш билан бирга, тақдирдош ва асосдош ҳамдир. Йўлдош ва қўлдош бўлиш баробарида, аёвсиз жанг кетаётган маънавият фронтининг қурдош-қуролдошларидир ҳам. Бу кураш майдонида талай талафотлар, талай офатлар бўлиши табиий. Бунда енгил иш бўлмайди, “енгил иш — енгилиш” деб қабул қилинади.

Президент матбуот хизмати томонидан тайёрланган **“Остонам. Юксалиш формуласи”** ҳужжатли фильмини бутун халқимиз катта ҳаяжон ва қизиқиш билан томоша қилди. Баъзи ҳолатларда кўзларда ёшлар қалқди... Биласизми, бир ижодкор сифатида фильм ижодкорларига ҳам, ундаги ёркин лавҳалар, бугунги ўғил-қизларимизнинг жонли ва самимий ҳолатларию уларнинг орзу-умидларига, рости гап, ҳаваларим келиб кетди! Иккинчи томондан, шу элнинг бир шоири сифатида — пахта даласидан чиқиб келаётган беғуборгина қишлоқ ўқувчилари олдида, Президентимиз алоҳида эҳтиром билан **“Бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарвари, даврларимизнинг Авлонийси, Фитрат домласи, Мунаввар қориси”,** дея таърифлаган оддийгина қишлоқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаевнинг заҳматкаш қиёфасию у кишининг ёнида хокисоргина ёндашиб турган оиласининг, **“Мана шу медалларини олганларига, Аллоҳга шукрлар бўлсин, ана...”** дея ҳассага таянганча қараб қолган камсуқумгина онахоннинг эгик жуссаси — умрий заҳматлари билан фидойилиги олдида ўзимни ночор-нотавон айбдордай ҳис этдим!

> Тарих — бугунги кун ва келажак, билим ва маърифат деганидир. Аждодлар оҳи, қиличлар зангию қасоскор боболар санчиб кетган қасамлар унутилмайди. Барчамиз шаъну шавкати баланд элнинг фарзандларимиз. Бундан ғурур ва ифтихор этмоқ — бу юксак туйғу ва тушунчаларни юрак-юракдан ҳис этмоқ учун эса миллат болаларидан катта салоҳият ва билим талаб этилади.

Биласизми, нима учун? Бундай одамлар ҳақида ёзиш керак, Ватанга садоқати ва фидойилиги ҳақида асарлар, қиссалар, қасидалар, достонлар ёзиб, оламга жар солиш керак! Токи бошқалар ҳам кўрсин, билсин, ўргансин, ибрат олсин, тарбия олсин! Биз-чи, улгурмаяпмиз дейміз, пандемияни рўкач қилиб, панд емай дея пандемияга ҳам панд берамиз. Ҳолбуки, қиркэллик дақиқалик ҳужжатли бир фильмгина унча-мунча шоиру ёзувчиларимиз қилиши керак бўлган ишни қисқа муддатда амалда кўрсата олди. Унинг таъсир кучи кенг қамровли бўлди, элдошларимиз қалбида кенг акс-садо берди. Бугунги замон ижодкори шундай ишлаши керак. Миллий Уйғониш даври Янги Ўзбекистонимиз солномасининг жонли ва ҳаққоний муқаддимаси сифатида келгуси авлодлар учун ҳам бундай асарларнинг тарихий-тарбиявий аҳамияти беқиёсдир, деб ўйлайман.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси олдига қандай муҳим вазифаларни қўйди? Бугунги авлод ижодкорлари руҳиятига мумтоз адабиётимиз таъсирини янада кучайтириш учун нималар қилиш лозим деб биласиз?

— Президентимиз қарори — миллий ва маънавий ҳаётимиздаги яна бир тарихий-ижтимоий воқеа, мамлакат миқёсида расман биринчи марта кенг нишонланган қутлуғ сана Ўзбек тили байрами арафасида қабул қилинганлиги, “Ўзбек тили ва адабиётини, миллий маданиятимизни янада равнақ топтиришга қаратилган амалий ҳаракатларимиз билан уйғун ва ҳамоҳанглиги” жиҳатидан ҳам умуммиллий ва умумбашарий аҳамият касб этади.

Биргина тарихий мисолга мурожаат қилайлик. Ҳассос ва оташнафас шоиримиз Ҳамид Олимжон Иккинчи жаҳон урушидан уч йилча аввал **“Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси”** мақоласида шундай ёзади: “Навоий даври ўзбек тарихий адабиётининг энг юксак давридир. Ўзбек адабий тили ана шу Навоий давридагина юзага келди, ишланди, зўр адабий бир тил ҳолида камолга етди ва классик адабий тил бўлиб қолди. Бунинг қуёши, албатта, Навоий эди...”

Навоийни тинмай ўқиш керак, тинимсиз ўқитиш керак. Хонадонларда, боғча-мактабларда, клуб ва тўгаракларда — тўрт-беш ёшдан бошлаб — майса чоғлар, бола чоғлар, лола чоғлардан тинмасдан-тиндирмасдан ўқитиш ва яна ўқитиш, ўргатиш, ўргатаверишдан асло чарчамаслик керак. Бир ҳарф бўлсаям, бир мисра ва ё байт бўлсаям, қитъами, рубоий ва ё туюқми — ёшига қараб ҳар кун, ҳар соат ўқитиш, овоз чиқариб ўқитиш ва ёдлатиш, рағбатлантириб ёдлатиш, ёдлатиб рағбатлантириш болаларни тезда ром этади, ҳавас уйғотади, адабиётга, китобга меҳру муҳаббат уйғотади. Мурғак қалбда адабиётга муҳаббат уйғониб, ўрнашиб олдими, ана энди бу бола чинакамига сизники, ҳеч қандай ёт ғоялар, қора кучлар уни сиздан тортиб ололмайди. Оилавий муҳитда ҳам адабиёт мутолааси ва тарбиясини шу тахлитда муттасил йўлга қўйиш мумкин, деб ўйлайман. Кичик-кичик ҳажмдаги мумтоз сўзлар луғатларини, Навоий асарлари луғатларининг ихчам ва болаларбоп намуналарини, аудио, видео луғатларни ҳам чиқаришни кенг йўлга қўйиш, кўплаб таълим-тарбия, билим даргоҳларига тарқатишнинг ўзи анча-мунча самара беради.

Навоий бобони устозимиз Абдулла Орипов жуда яхши кўрар, **“шеърият тахтининг мангу тахтдан тушмайдиган султони — Навоий ҳазратлари бўладилар”** деган таърифни **“мендан сизларга эсдалик”** деб дастхат тарзида ёзиб ҳам берган эди. Бир кеча “Тошкент — Навоий” поездида Тошкентдан то Навоий шаҳрига етиб боргунимизча — тонг саҳарга қадар буюк бобокалонимиз ижодини ўқиш ва ўрганиш, англаш ва ўргатиш тўғрисида, жонли-жонли мисол-тамсилларни ёддан ўқиб борганлари ҳеч эсимиздан чиқмайди. Ўшанда, тонг отар пайти манзилга етиб, поезддан тушаётганимизда, устоз лутф қилган эди: *“Биз Навоий шаҳрига етиб келдик, холос... Навоий бобонинг ўзига етиб боргунимизча, ҳали эҳ-ҳе, қанча йўлни босиб ўтишимиз керак. Беш юз йилми, олти юз йилми, бунисини Худойимнинг ўзи билади!..”*

— Сиз кўплаб улуғ ижодкорларнинг шогирдисиз, улар билан ҳамсуҳбат, фикрдош, маслакдош бўлгансиз, маълум маънода, уларнинг йўлини давом эттиряпсиз. Бу кунларга етиб кела олмаган, шукуҳли онларни кўриш насиб қилмаган устозлар агар ҳаёт бўлганида, ижодларида қандай давр кечаётган бўлар эди, деб ўйлайсиз?

— Президентимизнинг: **“Адабиёт — халқнинг юраги”, “Адабиёт юракка жойланиши керак”,** ибораларини катта-кичик адибларимиз кўп иқтибос келтиради. Дарҳақиқат, халқимиз шеърпараст, қўшиқпараст, азал-азалдан шеъру ғазални, гўзаллик ва нафосатни жону дилидан яхши кўрадиган адабиётсевар халқ.

Биз халқу Ватан, давру замон олдида, шу давру замоннинг матонатли Бунёдкори олдида барчамиз бирдек қарздормиз. Ижодкор одамни, биринчи навбатда, қарздорлик туйғуси, дахлдорлик ҳисси ҳеч қачон тарк этмаслиги керак.

Устоз Эркин Воҳидов **“Эл устозим, мен эса — толиб”** десалар, Абдулла ака **“Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда”** дер экан, айни пайтда бугунги кунларни назарда тутгандай, **“Уйғониш замонинг муборак бўлсин!”** дея башоратли сатрларни битганида ҳам буюк ҳикмат мужассам.

Президентимизнинг буюк адабиётимизга, унинг улуғ намояндаларига, жумладан, азиз устозларимиз, уларнинг номи ва хотирасига ҳурмат ва эҳтиромини ҳамиша, ҳар қадамда кўриб-билиб, ҳис этиб турибмиз. Пойтахтимиз марказидаги Миллий боғимизда Алишер Навоий бобомизнинг муҳташам ёдгорлик мажмуига мос ва муносиб равишда бунёд этилган Адиблар хиёбонида кўп улуғ сиймолар қаторида қаҳрамон шоирларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг ўйчан ва донишманд қиёфалари ҳозир ҳам барчамизга адабиётдан дарс бериб тургандай. Улар номидаги Ижод мактабларида вижир-вижир қалдирғочлар мангу ошён қурган мисол бугунги ўғил-қизларимиз шеър ва адабиётдан таълим олмоқда.

Президентимиз ҳар гал, **“Менинг ҳам армонларим бор. Менга бугун Эркин ака, Абдулла акаларнинг овозлари етишмаяпти”,** дея анжуман аҳлига савол назари билан қараркан, рости гап, **“Қани шоирларинг, қани ёзувчиларинг, қани янги бугунги давру замоннинг ҳақиқий асарлари?!”** дея сўраётгандай, ҳар гал тилим калимага келмай, ўзимни йўқотиб қўйгандай бўламан...

Халқимизнинг яқин дўсти ва севимли адиби Чингиз Айтматов бир асарида Амир Темур ҳазратлари билан Хўжа Ҳофиз Шерозий ўртасида кечган “қора хол” ҳақидаги машҳур ривоятни мисол келтириб, Соҳибқирон бобомиз тилидан тарихий бир хулосани алоҳида меҳр ва мамнуният билан айтиб ўтади:

“...Бир оз сукут сақлагач, Амир Темур мулозимларига назар ташлайди-да: — Уз шоирини излаб-истаб юрган олампаноҳнинг қўл остидаги халқи бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб-йўқлаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир. Менинг бу сўзларим ҳамма вақт ёдингизда бўлсин! — дейди”.

Биз аллома устозларимиз бир умр орзу ва армон қилган шу замонларда яшаётирмиз. Улар орзу қилган замон ва келажак эса, мана кўз олдимизда турибди. Замоннинг кўзига тик қараб яшайлик, азиз замондошлар! Зеро, замоннинг кўзларига тик қарамоқ — келажакнинг кўзига, боламизнинг кўзига тик қараб яшамоқни билдиради. Боламизнинг кўзлари — келажакнинг кўзлари эканини унутмайлик!

Каҳкашон сайрида ҳур қуёш билан,
Кезарсан то абад шодумон, хуррам.
Лабда табассуму кўзда ёш билан,
Сенга талпинаман, буюк набирам.

Салим ДОНИЁРОВ
суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3388.
41787 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Соҳиба Муллаева
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 00:20

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru